

Ғийбатнинг рухсат этилган турлари (4-қисм)



16:59 / 17.02.2018 4485

3. Уялтириш мақсадида ғийбат қилиш. Айтайлик, бир киши қандайдир гуноҳ иш қилишга одатланиб қолган. Аммо унинг шундай ҳурматли кишиси борки, бу гуноҳни қилиб юрганини ўша одам эшитиб қолишини истамайди. Агар унинг гуноҳ қилганини ўша ҳурматли киши эшитиб қолганини билса, ундан уялганидан ҳам бу гуноҳини тарк этиши мумкин. Шундан келиб чиққан ҳолда айтаманки, бир кишининг қандайдир гуноҳ қилганини унинг учун ҳурматли бўлган одамига (ўша одамдан уялиб, гуноҳини тарк қилармикин деган мақсадда) эшиттириб қўйиш дуруст ғийбат ҳисобланади. Чунончи, баъзи ҳадис ва ривоятлар шунга ишора қилади.

Ҳикоя. Бир киши Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб, қўшнисининг устидан шикоят қилди. У зот уни (қўшнисининг озорларига) сабр қилишга буюрдилар. У киши иккинчи ёки

учинчи маротаба яна ўша шикоят билан келгач, Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам: «Боргин-да, уй анжомларингни кўчага олиб чиқиб ташла», дедилар. У киши уй анжомларини кўчага олиб чиқиб қўйиб, сўраганларга ўртада бўлиб ўтган ишларни (яъни қўшнининг етказган озорларини) айтиб тураверди. Буни эшитган одамлар: «Аллоҳ уни ундай қилсин, бундай қилсин», деб лаънатлай бошлашди. Шунда қўшниси келиб: «Уйингга қайт, энди мендан озор кўрмайсан», деди.^[1]

«?Ғийбат ўзи нима»

Муҳаммад Абдулҳай Лакҳнавий

Таржимон: Ёрқинжон Фозилов

^[1] «Сунани Абу Довуд», 5153-ҳадис; «Ихёу улумид-дин».